



MILLIY TIKLANISH

23 (1021) ● 2019 йил 12 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари мамлакатда амалга ошириладиган ўзгаришларга ва халқаро амалиётга мос бўлиши зарур. Шу муносабат билан фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини, шу жумладан, миллий қадриятлар ва жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимлардан баҳраманд бўлишнинг таъминлайдиган аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, кутубхо-

наларда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда.

Бу эса ахборот-кутубхона фаолиятига, китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондларни тўлдириш ва сақлаш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолият, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва рағбатлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга жиддий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар **аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни** сифат жиҳатидан янада ривожлантириш соҳасидаги **асосий вазифалар** этиб белгилансин:

ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини ислоҳ қилиш;

аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш бўйича ижтимоий кафолатларни

сифатли таъминлаш ҳамда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ҳудудларда аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, янги бино ва иншоотларни куриш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш;

2-бет →

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ ВА ОҲИЧК САММИТЛАРИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 13-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда 15 июнь кунли Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг навбатдаги саммитларида иштирок этади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисининг кун тартибидан устувор йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Саммит якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, шунингдек, ташкилот доирасидаги кўп қиррали шерикликни, жумладан, ҳудудлараро алоқаларни, рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари, экология, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммити "Хавфсиз ва янада раванқ топган минтақа сари ягона ёндашув" мавзуси остида ўтади. Унда кенгашга аъзо ва кузатувчи мамлакатлардан, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакилларида иборат 30 дан зиёд делегация иштирок этади.

Ўзбекистон Президенти Бишкек ва Душанбе саммитларидаги иштироки доирасида хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

ЎзА

Фракция фаолияти

ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР

қоғозда қолиб кетмаслиги, халқ фаровонлиги, юрт равнақиға хизмат қилиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига киритилиш режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Йиғилишни партия Марказий кенгаши раиси, фракция аъзоси Алишер Қодиров олиб борди.

— 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларга таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолиятини тубдан яхшилаш давлат

ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган, — деди партия етакчиси. — Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги сифатиға ҳам боғлиқ.

3-бет →



Муносабат

ҚАЕРДА БЎШЛИҚ БЎЛСА...

иллатлар ўша ердан ўрин олади

Ёш авлод таълим-тарбияси бугунги кунда ҳаёт-мамот масаласига айланди. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, одамларни ўз домига тортаётир. Инсониятнинг асрлар давомида амал қилиб келган эътиқоди, миллий ва диний, оилавий қадриятларига путур етказмоқда. Қаердаки маънавий, мафкуравий бўшлиқ бўлса, бу иллатлар ўша ерда бўй кўрсатиб, таълим-тарбия мукамал бўлмаган жойларга эмин-эркин кириб бормоқда.

Ўзга элдан "жаннат" излаганлар

Мамлакатимизда ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом, баркамол авлод қилиб ўстириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки юқорида номи келтирилган ўтилган чегара билмас иллатлар бизнинг

жамиятга ҳам таҳдид кўрсатмасдан қолмади. Маънавиятсиз, маърифатсиз шахсларни ёлғон ваъдаларга ишонтириб, ўз йўриғига юргазди. Қанчадан-қанча ёшларни жиноятга етаклади, ҳатто қўлига қурол бериб, ўз Ватанига, халқига хиёнат қилишга ундади. Аёллар, қиз-жувонлар экстремистларнинг алдовига учиб, ўзга юртлардан "жаннат" излади.

Улар алал-оқибат алданганини кеч бўлса-да, тушуниб етди. Аслида жаннат киндик қони тўкилган юртда эканини, ўз Ватанидан бошқа жойда паноҳ йўқлигини англади. Лекин унгача қанчадан-қанча йигитлар қурбон бўлди, қони тўкилди, хотин-қизларнинг номуи топталди, хор-зор бўлди. Бегуноҳ болалар, ҳали вояга етмаган ўспиринларнинг азият чекаганини эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди...

Муборак Рамазон ойида хайрли, улкан аҳамиятга молик "Меҳр" инсонпарварлик операцияси амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалий сазъ-ҳаракати билан асосан аёллар ва болалардан иборат 156 нафар ватандошимиз Суриянинг қуролли можаро авж

олган ҳудудидан юртимизга қайтарилгани кўзимизни янада каттароқ очимизга қаратилган бир давлатдир. Давлатимиз раҳбарининг муборак Рамазон ҳайити арафасида эса "Ҳазо мударратини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида" қабул қилган фармонига биноан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 575 нафар фуқаро афв этилди. Афв этилганларнинг асосий қисмини бундан беш-олти йил илгари диний экстремистик гуруҳларга осонгина "ўлжа" бўлганлар ва қилмишига яраша жазоланганлар ташкил қилади...

3-бет →

Таҳлил ва таққос

ЖАМИЯТДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

аммо, бу ҳамма ишни улар қилиши, эркаклар бир четда кузатиб туриши керак, дегани эмас

"Ҳозир ишсизман. Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Уларнинг кам-кўстини тўлдириш қийналаяпман. Ишга жойлашимда ёрдам берсангиз..."

"Оилада кўпчиликмиз. Уйдагилар билан чиқишолмаяпман. Овсиним билан кунора бўладиган можародан чарчадим. Алоҳида уй-жой олишда кўмаклашсангиз..."

"Турмуш ўртоғим ичкиликка ружу қўйган. Ҳар кун жижил, тўполон, рўзгорни, болаларини буткул унутди. Қийинчиликларга дош беролмай ҳатто ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим. Умрим ҳазон бўлишини истамайман, эрим билан тезроқ ажрашсам дейман..."

4-бет →

Ҳисбон

"ЖУРНАЛИСТ КУНУ ТУН ИШЛАШИ КЕРАК БЎЛГАН ЗАМОНДА ЯШАЯПМИЗ..."

Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида барча соҳаларда Ҳаракатлар стратегияси асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, барча соҳалар қатори, оммавий ахборот воситалари ривожини, медиа тузилмаларда фаолият қўриётган журналистларимизнинг билим ва малакаси, ўз ишига масъулияти ва фидойилигиға ҳам боғлиқ, албатта.



Ҳўш, айна жараёни оммавий ахборот воситалари қандай ёритмоқда? Бугунги ижодий жараёнда қандай ижобий ёки салбий анъаналар, ғоялар пайдо бўлаётир, уларнинг ижтимоий аҳамияти нималарда кўринади? Қайси жанрлар бугун етакчилик қилмоқда, қандай муаммолар юзга келмоқда, уларнинг ечимлари борми?

8-бет →

